

2024 йил бошидан содир бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар бўйича
МАЪЛУМОТ

T/P	Таснифи	Қисқача маълумот
1	Оғир-1	<p>2024 йил 07 февраль куни соат 00-10 лар атрофида машинист Р.М. Махамаджонов ва машинист ёрдамчиси С.С.Собиржоновлар бошқарувидаги ТЭМ-2 русумли 6773-рақамли манёвр тепловози "Тошкент МТУ" филиали Келес станциясининг 6-йўлидан 8-йўлга 1 донга 29079845-рақамли усти ёпиқ вагонни олиб кириш бўйича манёвр ишларини бажарган. Маневр вақтида вагоннинг ҳаракат йўналиши бўйлаб бош томонининг ўнг томонидаги зинада осилиб кетаётган "Тошкент МТУ" УКга қарашли "Келес" станцияси бош кондуктори Суннатов Даврон Турғун ўғли (Тошкент вилояти, Тошкент туманида 07.02.1992 йил туғилган, оилали 2 нафар фарзанди бор, иш стажи 2012 йилдан) 8-йўлнинг ёнидаги юкларни ортиш тушириш платформасига яқинлашганида 29079845-рақамли усти ёпиқ вагон ва платформа орасига қисилиб қолиб оғир тан жароҳатини олган. Машинист Р.М.Махамаджонов ва машинист ёрдамчиси С.С.Собиржоновлар томонидан бош кондуктор Д.Т.Суннатовга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, шошилиш тез тиббий ёрдамга қўнғироқ қилишган. Бош кондуктор Д.Т. Суннатов Тошкент шаҳар Ибн Сино номли 1-сонли касалхонага ётқизилган. Шифокорлар томонидан ўнг сон суяги ёпиқ синиши, икки томонлама қов ва ўтиргич суяги синиши ташқиси қўйилган.</p>
2	Ўрта Оғир-1	<p>2024 йил 05 март куни "Қўқон МТУ" филиали Қўқон электр таъминотида қарашли ЭЧК-20 Темирйўлобод контакт тармоғи бўлими ишчи-ходимлари томонидан Чодак-Кон бекатлар оралиғи 62км пк2 дан пк7 гача ВМТ-1139 дрезинаси ва изоляцияланган кўчма минора (ИКМ) №№20/4 ёрдамида контакт тармоғи симини тарқатиш (раскатка к/провод) ишларини бажариш учун ЭЧК-20 катта электромеханиги Ж. Собиров томонидан 5-кв. гуруҳ электромеханиги Ж.А. Ғаниевга 10-сонли наряд ижозатнома берилган бўлиб, бригада таркибида 9 нафар ишчи-ходим бўлган. Ишлар энергодиспетчернинг №№410 сонли буйруғи билан соат 12-16 да бошланган. Соат 13-30 лар атрофида контакт тармоғида иш олиб бораётган бригада таркибидаги меҳнат муҳофазаси бўйича 3-малакавий гуруҳга эга бўлган ЭЧК-20 электромонтери Шомаматов Нодиржон Нарзиддинович (1989 йил 21 феврал куни Наманган вилояти, Поп тумани Чодак қишлоғида туғилган, маълумоти ўрта махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, темир йўлдаги иш стажи 2021 йилдан) изоляцияланган кўчма минорадан оёғи тойиб кетиши натижасида ўнг оёғи шикастланиб оқибати ўрта оғир бахтсиз ҳодиса содир бўлган.</p>
3	Оғир-2	<p>2024 йил 12 март куни тахминан 16-00 лар атрофида "Термиз МТУ" филиали Жарқўрғон станциясида Термиз локомотив депосига қарашли №№6607 рақамли манёвр тепловозининг аккумулятор батарияларини камера эшиги очилиб кетганлигини кўриб, камера эшигини ёпиш мақсадида машинист Умаров Алижон Мирзокулович (Сурхандарё вилояти, Жарқўрғон туманида 1975 йил 15 февралда туғилган, оилали 5 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, иш стажи 2005 йилдан) билан ҳолати оғир бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Тепловоз (плошадка) майдончасига чиқган ва ёмғир ёғиб турганлиги сабабли, тепловоз (плошадка) майдончаси сирпанчиқ ҳолатга келиб қолганлиги учун оёғи тойиб кетиши натижасида чап қўл елка қисмидан тан жароҳати олган. Зудлик билан А.М.Умаровга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, Жарқўрғон туман тез тиббий ёрдам шифохонасига олиб борилган. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.</p>

4	Ўлим-1	<p>2024 йил 20 март куни "Тошкент МТУ" филиалининг Ховос электр таъминоти масофаси Сирдарё ЭЧК-7 бошлиғи Шохрух Турсунов, иш раҳбари (руководитель работ) электромеханик Рашид Умаралиев бошчилигидаги бригада аъзолари электромонтёрлар Мансур Бобомуродов, Зоҳид Бекболаев, ҳайдовчи Акмал Қодировларни Оқолтин-Гулистон перегони 3484 километрнинг 5-чи пикетидаги ЛЭП ПЭ-10 кВ линияси 9/2-сонли сигнал нуқтасида носоз ОМ-1,25 кВА турдаги қувватли трансформатор (однофазный масляный трансформатор) энергодиспетчер Жасур Қобуловнинг 924-сонли буйруғига асосан алмаштириш учун кечаси соат 19-53 да ишга рухсат берилган. ОМ-1,25 ни алмаштириш учун электромеханик Бобомуродов Мансур Усмонқул ўғли (1996 йил 26 феврал куни Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида туғилган, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, темир йўлдаги иш стажи 2019 йилдан) 3 (уч) дона ерлатгич штангаларини улаган, шундан бир дона трансформаторни юқорисидаги металл конструкцияга ва икки дона ерлаттични штангани ПКМ (предохранительная конструкция) юқорисига илган. Тахминан кечаси соат 21-30 да ОМ-1,25 ни алмаштириш якунлангандан сўнг, ерлатгич штангаларини электромеханик М.У.Бобомуродов ўзига нисбатан узоқда илинган ерлатгич штангани ечиб, сўнгра ёнида илинган ерлатгич штангани ечиб пастга тушмоқчи бўлганда контакт тармоғида йўналтирилган кучланиш пайдо бўлиб (наведённое напряжение), тана қисмига тегиб кетиши оқибатида кучланиш таъсирига тушиб қолган ва жароҳатланиш натижасида воқеа жойида вафот этган.</p>
5	Гуруҳи (оғир ва энгил ҳолат)-1 автоҳалокат	<p>2024 йил 26 март куни тахминан 16-30 лар атрофида "Темриз МТУ" филиали Дарбанд темир йўл масофаси ҳайдовчиси Эронов Отабек Оллоқулович бошқарувида бўлган давлат рақами 75326 UAA TAYOTA русумли автотранспорт М39 йўлининг 1337 кмда ҳаракатланиб келаётган ISUZU юк машинасига келиб урилиши оқибатида автоҳалокат рўй берган, TAYOTA русумли автотранспортда бўлган корхона бош ҳисобчиси С.Х.Жураев, омборхона мудири З.Б. Бойқобилов устахона техниги З.З.Холмуминов-ларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, Бойсун туман тез тиббий ёрдам шифохонасига олиб борилган. Шулардан О.О.Эронов ва З.Б. Бойқобилов-ларнинг аҳоли яхши бўлганлиги сабабли уйига жавоб берилган. Бойсун тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими даволовчи шифокор томонидан 2024 йил 27 март куни берилган ташхисида С.Х.Жураевнинг (Сурхандарё вилояти, Бойсун туманида 1964 йил 26 сентябрида туғилган, оилали 4 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, темир йўл масофасида иш стажи 2008 йилдан) бош мия лат ейиши, ўнг сон суягидан очиқ синиш ва З.З. Холмуминовнинг (Сурхандарё вилояти, Бойсун туманида 1968 йил 10 февралда туғилган, силали 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, темир йўлда иш стажи 2007 йилдан) бош мия лат ейиши, бош пешонасида йиртилган жароҳат борлиги кўрсатилган.</p>
6	Оғир-3	<p>2024 йил 01 апрел куни тахминан соат 11:17 лар атрофида "Тошкент МТУ" филиали Чуқурсой станцияси поезд тузувчи Махамадалиев Абдулла Ҳаким ўғли (Тошкент вилояти, Зангиота туманида 1994 йил 23 февралда туғилган, маълумоти ўрта, оилали 3 нафар фарзанди бор, темир йўлда иш стажи 2021 йилдан) тепалик (горка) дан вагонларни узиш пайтида усти ёпиқ №№ 21043013 ва цистерна №№ 51159457 вагонлари орасидаги автоулагич (автоцепка) узилмай қолган. Шундан сўнг поезд тузувчи А.Махамадалиев таркибни орқага тортиш учун машинистга кўрсатма берган. Таркибни тепаликга (горкага) тортишдан сўнг тўхтатиб автоулагични узгичи орқали ажратиб, машинистга олдинга итариш кўрсатмасини беради. Таркиб олдинга ҳаракатланаётганда №№</p>

		<p>21043013 усти ёпиқ вагон ва цистерна №№ 51159457 вагонлари орасидаги автоулагич узилавермагач поезд тузувчи меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома талабларини қўпол равишда бузиб ҳаракатланаётган вагонлар орасига кириб ўнг оёғини релс устига қўйиб, чап оёғи билан автоулагични (автоцепкани) тепган ҳолда узишга уринган пайтда ўнг оёғи панжа қисмини цистерна № 51159457 вағони босиб кетади.</p> <p>А.Махамдалиевга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Тошкент шаҳар 1-сонли клиник шифохонасига олиб борилган.</p>
7	Ўрта оғир-2	<p>2024 йил 14 апрел куни тахминан соат 15-40 лар атрофида "Қўнғирот МТУ" филиали 279-сонли Йўл машина станцияси йўл созловчиси А.Е. Бекмуратов (Корақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида 1973 йил 19 сентябрда туғилган, маълумоти ўрта, оилали 3 нафар фарзанди бор, темир йўлда иш стажи 2020 йилдан) Ургенч Ханка станциялари оралиғи 392 км 7-8 ПКда темир панжаралари тўсиқлар ўрнатиш вақтида, металл тўсиқ устуни бетон коришмасини тайёрлаш учун йўл созловчилар А.Е.Бекмуратов ва Жаксиликовлар насилка билан шағал ташиш вақтида А.Е.Бекмуратов ўз эҳтиётсизлиги туфайли йиқилиб ўнг оёғидан жароҳат олган ва унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Урганч шаҳри шифохонасига олиб борилган. Шифокорлар томонидан берилган ташхисига кўра А.Е.Бекмуратовни ўнг оёғи 5-панжа суяги проксимол охиридан ёпиқ синиши деб хулоса берилган.</p>
8	Оғир-4	<p>2024 йил 15 апрел куни тахминан тунги соат 02-45 лар атрофида "Қарши МТУ" филиали Қарши локомотив депосининг тепловозларни таъмирлаш цехи чилангари Э.Н. Холмаматов (Қашқадарё вилояти, Қарши туманида 1965 йил 09 декабрда туғилган, маълумоти ўрта, оилали 4 нафар фарзанди бор, темир йўлда иш стажи 1987 йилдан) навбатчилик жадвалига асосан иш жойига келган ва цех устаси Б.Раҳматов томонидан жорий йўл-йўриқ ўтказилиб ишга қўйилган. Тепловозларни таъмирлаш цех устаси Раҳматов Бобур томонидан чилангар Э.Н. Холмаматов 2ТЕ10М русумли №№0236 рақамли тепловознинг Б бўлинмасидаги иккинчи босқичли ҳаво ҳайдагични текшириш вазифаси топшириғини олган ва иш бошлаган. Тахминан соат 02:45 лар атрофида Тепловоз устига чиқиб иккинчи босқичли ҳаво ҳайдагични текшириб носозликни бартараф этгандан сўнг том қисмини ёпаётган вақтида ўзининг эҳтиётсизлиги сабабли оёғи сирпаниб кетиши натижасида тахминан 3.5 м 4 м баландликдан полга йиқилиб тушган ва тан жароҳати олган. Иш жойида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Қарши локомотив депоси навбатчилик қисми машинасида уста Б.Раҳматов томонидан Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалига олиб борилган. Шифокорларнинг хулосасига кўра чап томон кўплаб қовурғаларнинг синиши ташхиси қўйилган. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.</p>
9	Оғир-5	<p>2024 йил 10 июнь куни тахминан соат 13-10 лар атрофида Вагон хўжалиги бошқармасига қарашли "Қарши" вагон депоси электргазпайвандчиси Усмонов Шағзод Нуритдин ўғли (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида 03.04.1994 йил туғилган, уйланмаган, иш стажи 2015 йилдан) билан оқибати оғир бўлган бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Бахтсиз ҳодиса бирламчи тафсилотлари: 2024 йил 10 июнда вагонларни йиғув бўлими электрогазпайвандчиси Усмонов Шағзод Нуритдин ўғли иш жадвалига асосан иш жойида вагонларни йиғув бўлими катта устаси З. Караматов томонидан жорий йўриқлаш ўтказиб ишга қўйилган. Вагонларни йиғув бўлими катта устаси З. Караматов томонидан №№73089922 рақамли цистерна қўл билан ушлаб чиқадиган зинасини таъмирлаш учун йиғув цехи электрогазпайвандчиси ШУсмонов кўрсатма олган ва иш бошлаган. Шу куни тахминан соат 13-10 лар атрофида №№73089922 рақамли</p>

		<p>цистернани қўл билан ушлаб чиқадиган зинасини таъмирлаш учун зинага чиқиш вақтида пайвандчи маскаси юзини тўсиб қолиши натижасида химоя белбоғини маҳкамлашга улгурмай мувозанатини йўқотиб баландликдан пастга йиқилиши натижасида тан жароҳати олган. Иш жойида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалига олиб борилган. Шифокорлар хулосасига кўра: Ўнг қўл билан ва тирсак бўғимидан ёпиқ орқага травматик чиқиши, ўнг оёқ товон суягини очиқ компрессион синиб силжиши, ўнг товон соҳасини эзилиб ифлосланиши ташхиси қўйилган. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.</p>
10	Улим-2	<p>2024 йил 05 июль куни тахминан соат 15-20 лар атрофида "Бухоро МГУ" филиалининг Ғаллаорол станцияси тоқ бўғзида ойлик иш режа ва контакт тармоғини синовдан ўтказиш лабораторияси вағони томонидан берилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 25-сонли наряд ижозат билан иш бошқарувчи ҳисобланган Самарқанд электр таъминоти масофасига қарашли Маржонбулоқ туман контакт тармоғи (ТКТ-15) бўлимининг электр хавфсизлиги бўйича 5-малакавий гуруҳга эга электромеханиги Ж.Каржовов бошчилигидаги, таркибида 5-малакавий гуруҳга эга электромонтёр Ш.Худойназаров ҳамда 4- малакавий гуруҳга эга электромонтерлар М.Турапов, Х.Бурханов, А. Келдиёров, Ф.Саидрасулов, Д. Мамарасуловлар бўлган бригада АДМ-1036 дрезина ёрдамида контакт тармоғининг 93-сонли темир бетон таянч устунидан 3-сонли темир-бетон таянч устунига қадар ДПР-27,5 кВ ва ОПР-27,5 кВ ҳаво линиясидаги изоляторларни алмаштириш ишларини амалга оширишган. Бунинг учун ҳаво линиясидаги кучланиш ўчирилгандан кейин улар томонидан ОПР-27,5 кВ ҳаво линиясига ва ушбу ҳаво линиясининг кучайтирувчи симига ерлагичлар ўрнатилган, аммо ушбу темир бетон таянч устунидан ўтган ДПР-27,5 кВ ҳаво линиясига ерлагич ўрнатилмаган. Бунинг оқибатида АДМ-1036 дрезинасининг иш майдончасида ишлаётган электромонтёр Д.Мамарасулов ДПР-27,5 кВ ҳаво линиясига тегиниб кетганда магнит майдони ҳисобига пайдо бўлувчи кучланиш (наведенное напряжение) таъсирига тушиб қолган. Электромонтёр Д.Мамарасуловга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Ғаллаорол туман шифохонасига олиб борилган. Шифокорлар хулосасига асосан Д.Мамарасуловда ўлим ҳолати қайд этилган. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.</p>
11	Оғир-6	<p>2024 йил 09-июль куни тахминан соат 03-30 ларда Термиз станцияси биринчи ёълида станция юк ташувчи поездлари кондуктори Турсунов Азамат Абдураим ўғли (Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Янги Қурилиш маҳалласи, Бобур кўчаси, 122 уйда 17.11.1994 йил туғилган, маълумоти олий, Тошкент давлат транспорт университетини 2022 йилда тугатган, 2022 йил 09-августдан Термиз станциясида юк ташувчи поездлари кондуктори лавозимида ишлайди, оилали, 2 нафар фарзанди бор) билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса содир бўлган 2024 йилнинг 09-июль куни соат 02-25 да Ғалаба станциясидан 3607-сонли поезд билан Термиз станциясининг биринчи ёълига 53 вагондан иборат поезд келган. Станция навбатчиси Л.Жўраевнинг станциянинг биринчи ёълида турган таркибдан 1 дона ёпиқ вагон (24316101) узиб қолдириб, қолган вагонлар саралаш тепалигига тортиш тўғрисида кўрсатмасига асосан ТЕМ2-3088 манёвр тепловози машинисти Б.Тўраев тахминан соат 03-12 ларда станциянинг биринчи ёълига ўтади. Станция юк ташувчи поездлар кондуктори А.Турсуновнинг таркиб тайёр бўлганлиги тўғрисидаги кўрсатмасидан кейин соат 3-14 да маневр тепловози таркибга уланиб, соат 3-18 да саралаш тепалигига қараб ҳаракатланишни бошлаб, ҳаракат давомида юк ташувчи поездлар кондуктори А.Турсунов таркибдаги вагондан йиқилган. Соат 3-23 да юк ташувчи поездлари кондуктори А.Турсунов кўчма алоқа воситаси (рация) орқали яқин атрофда</p>

		<p>ишлаётган вагонлар ҳаракати тезлигини мувофиқлаштирувчиси У.Бекназаровни чақиради. Рация орқали чақирилганини эшитган вагонлар ҳаракат тезлигини мувофиқлаштирувчиси И.Шайманов юк ташувчи поездлар кондуктори А.Турсуновнинг олдига югуриб борганда, А.Турсунов вагондан йиқилиб тушганлигини айтади. И.Шайманов станция навбатчисига ҳолат тўғрисида хабар қилиб, А.Турсунов ўтирган ҳолатда турганлигини, манёвр вақтида йиқилиб тушганлигини ва бели оғриётганлигини айтади. Станция навбатчиси томонидан тез тиббий ёрдам чақиртирилиб, юк ташувчи поездлари кондуктори А.Турсунов Сурхондарё вилояти тез тиббий ёрдам шифохонасига олиб борилади. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.</p>
12	Оғир-7	<p>2024 йилнинг 11 июль куни соат тахминан 19-00 лар атрофида "1-сон энергомонтаж поезда" МЧЖ 6-Энергоучастка электромонтёри Сидиқов Максуджон Комилжон ўғли (2000 йил 03 ноябр куни Навои вилояти Қизилтепа тумани Зиёкор МФЙ да тугилган, маълумоти олий. Тошкент Давлат Транспорт Университетини Мухандис- электрик мутахассислиги бўйича тамомлаган. Уйланган, темир йўлда иш стажи 2023 йил 02 ноябрдан) билан бахтсиз ходиса содир бўлган.</p> <p>Бахтсиз ходиса тафсилотлари: 2024 йилнинг 11 июл куни 6-Энергоучастка устаси Ражабов Фиёс (электр хавфсизлиги бўйича гуруҳи IV) бошчилигида бригада аъзолари электромонтёр линейщиклар Бегматов Машраб (электр хавфсизлиги бўйича гуруҳи IV), Ёдгоров Бахтиёр (электр хавфсизлиги бўйича гуруҳи III), Ашуров Сухроб (электр хавфсизлиги бўйича гуруҳи III), Ғаниев Оловиддин (электр хавфсизлиги бўйича гуруҳи III), Ниёзов Эркин (электр хавфсизлиги бўйича гуруҳи III) ва Сиддиқов Максуджон (электр хавфсизлиги бўйича гуруҳи III)лар биргаликда Бухоро Ургенч Хива объекти Багат -Ханка перегонида (раскатка) контакт тармоғи симини ВМТ-1090 ёрдамидатаркатиш ишларини бажарган. Иш жараёнида электромонтёр линейщик Сидиқов Максуджон Комилжон ўғли контакт сими билан ВМТ -1090 вишкаси ораллигига қисилиб қолган. Сидиқов Максуджонга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, Ургенч тумани тиббиёт бирлашмасига олиб борилган. Бахтсиз ходиса тафсилотлари ўрганилмоқда.</p>
13	Оғир-8	<p>2024 йил 5-сентябрь куни соат 14-00 ларда ПЧ Учқудуқ йўл соловчиси Давронов Ғанишер Турсунович Тинчлик станциясида 31-стрелка кўтарма таъмир ишлари вақтида ЭШП кичик механизми ёрдамида ишлаётганда (09.02.1973 й т., оилали, 2 та фарзанди бор, иш стжи 2001 йилдан) кўзига шебен зарраси кириб ачишаётганини йўл устаси Р.Соибовга айтиб шифохонага борган ва текширув хулосасига кўра чап кўз пардаси жароҳатланиши аниқланган.</p>
14	Оғир -9	<p>2024 йил 10-сентябрь куни Тинчлик локомотив депосига қарашли Учқудуқ айланма депоси экипировшиқ машинист ёрдамчиси Кустбусинов Жумарт Аманкелдиевич (1992-йил 18-октябрда Навоий вилояти Учқудуқ туманида туғилган, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, темир йўлдаги иш стажи 2011 йилдан) билан оқибати оғир бўлган бахтсиз ходиса содир бўлган.</p> <p>Воқеа тафсилотлари: 10.09.2024 йил тахминан Учқудуқ айланма депоси смена навбатчиси Дилшод Қосимов томонидан барча ишчи ходимларга жорий йўл- йўриқлашдан ўтказилиб ишга рухсат берилган. Смена давомида тахминан соат 18:19 лар атрофида машинист ёрдамчиси Кустбусинов Жумарт Аманкелдиевич UzTE16M4 русумли 023-сонли тепловозини сув захирасини кўриш мақсадида тепловоз томига чиққан ва ўзини эътиборсизлиги оқибатида пастга йиқилган. Зудлик билан унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Учқудуқ шаҳар тез тиббий ёрдам илмий марказига етказилган. Шифокорларни ташхиси ва рентген</p>

		текшируви натижасида Ж.А. Кустбусиновнинг чап кураги ва чап қўл тирсак соҳасини ёпиқ ёрилиши жароҳати аниқланган. Шундан кейин Ж.А.Кустбусиновнинг жароҳатланган қисмлари гипс қилиниб, 11.09.2024 йил куни тонгда уйига рухсат берилган.
15	Оғир-10	2024 йил 11-сентябрь куни ЭЧ Самарқанд электромонтёри Турсунмуродов Хасан Турамуродович (1988 й.т., маълумоти олий, оилали 1 нафар фарзанди бор) тахминан соат 11-40 ларда ВМТ-1093 мотовози вишкаси ва мотовоз плашадқаси орасида қисилиб қолиши оқибатида тос суяги ёпиқ ёрилиши содир бўлган.
16	Оғир-11	2024 йил 19- Сентябрь куни тахминан соат 08-30 лар атрофида "Темирйўлинфратузилма" АЖ "Қўнғирот МТУ" филиалига қарашли 279-сонли Йўл машина станцияси йўл созловчиси Асемов Кодир Жанабергенович (Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида 1971 йил 06 сентябрда туғилган, оилали 3 нафар фарзанди бор, темир йўлда иш стажи 1992 йилдан) оқибати оғир бахтсиз ходиса содир бўлган. 2024 йил 19- Сентябрь куни 279-сонли Йўл машина станцияси ишлаб чиқариш базасида релс шпал решеткаларни ажратиш ишларини олиб бориш (релсни ёғоч шпалдан ажратиш) жараёнида юк кўтарувчи кран билан звенони кўтариш вақтида хали кўтариб бўлмасдан олдин йўл созловчи К. Асемов ўзбошимчалик билан шошма шошарлик қилиб кўтарилиб бўлмаган звено тагига клеммо болтни тикқан оқибатда К.Асемовнинг чап қўли 3-бармоғи релс билан клеммо орасида қолган. Унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Қўнғирот темир йўл шифохонасига олиб борилган. Шифокорлар томонидан берилган ташхисига кўра К.Асемовни чап қўли 3-бармоғи суяги очик синиши деб хулоса берилган.
17	Оғир-12	2024 йил 27 сентябр куни тахминан соат 15-20 лар атрофида Тошкент электр таъминоти масофаси (ЭЧ-1) Далагузар нимтортиш станцияси ҳайдовчиси Жумаев Жобир Нарзуллаевич (1975 йил 20 октябр куни Бухоро вилояти, Қоранкўл туманида туғилган, маълумоти ўрта-махсус, 3 нафар фарзанди бор, темир йўлдаги иш стажи (20 йил) 2004 йилдан) билан оқибати оғир бўлган бахтсиз ходиса содир бўлган. Воқеа тафсилотлари: 2024 йил 27 сентябр куни эрталаб соат 8-00 да Электр таъминот масофаси таъмирлов устахонаси бошлиғи А.Абдураззаков томонидан юк кўтариш механизми бўлган кран манипулятор ҳайдовчиси Ж.Жумаевга жорий йўл-йўриқ ўтказилиб, ЭЧ-1 раҳбарияти томонидан тасдиқланган иш режасига асосан ЭЧЭ-6 "Далагузар" нимтортиш станциясига вакуум ўчиргични (выключатель) етказиб олиб келинган, 14-сонли наряд ижозаатга асосан ҳайдовчи Ж.Жумаев ЭЧЭ-6 "Далагузар" нимтортиш станцияси ишчи ходимларига қўшилиб, бригада аъзоси бўлиб кирган ва вакуум ўчиргични (выключатель) монтаж ишларини бошлаган. Тахминан соат 15-20 лар атрофида монтаж ишлари тугатилган ва иш боши И.Раҳимбаев томонидан ҳайдовчи Ж.Жумаевга кран манипуляторни йиғиштирилиши бўйича кўрсатма берилган. Ноъмалум сабабларга кўра кран манипулятор стреласини тушириш жараёнида ҳайдовчи Ж.Жумаев бегона кучланиш (наведённое напряжение) таъсирига тушиши оқибатда электр токидан жароҳатланиб, ўнг қўл кафт, ўнг курак, иккала оёқ панжа соҳалари термик куйган. Ж.Жумаевга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, Янгийўл тумани бирламчи тез тиббий ёрдам шифохонасига олиб борилган. Воқеа тавфсилотлари ўрганилмоқда.
		2024 йил 05 октябрь куни Жалоир станциясида Зарбдор станцияси бош кондуктори Озодбек Кулбоевич Бегалиевнинг

18	Ўлим-3	<p>(1988 йил 04 июль куни Жиззах вилояти Зарбдор туманида туғилган, маълумоти ўрта, 3 нафар фарзанди бор).</p> <p>Зарбдор станцияси бош кондуктори О.Қ.Бегалиев "Тошкент МТУ" филиалининг 19.09.2024 йилдаги №МТУК-1358 сонли буйруғига асосан 2024 йил 27 сентябрдан 27 октябрга қадар Сергели станциясига хизмат сафарига юборилган. 2024 йил 28 сентябрь куни Сергели станциясига келган ва бирламчи йўл-йўриқдан ўтказилган. 2024 йил 05 октябрь куни бош кондуктор О.Қ.Бегалиев Сергели станциясига тунги навбатчиликка келган ва жорий йўл-йўриқдан ўтиб Жалоир станциясига юборилган. Тахминан соат 20-20 да Жалоир станциясининг 2 йўлига келган 3472 сонли поезддан ТЭМ-2 русумли 6082-сонли маневр тепловози 6 та усти ёпиқ бўш вагонни узиб олган. Соат 20-32 да 3472 сонли поезд жўнатилганидан кейин 6082-сонли маневр тепловози 6 та вагон билан станциянинг М-1 маневр светофоридан ташқарига чиқган ва тахминан соат 21-50 лар атрофида бош кондуктор О.Қ.Бегалиев маневр тепловози машинисти Ш.Абдуллаевга кўринувчи қўл фонари билан 6 та вагонлар билан 6-йўлга киришга ишора берган. Маневр тепловози 6-йўлга кирганидан сўнг бош кондуктор 10-15 дақиқа кўриниш бермаганидан сўнг, маневр тепловози машинисти Ш.Абдуллаев станция навбатчисига юқори товушли мосламадан О.Бегалиевни чақириб ҳақида сўрайди. Станция навбатчиси юқори товушли мосламадан алоқа орқали бош кондуктор О.Бегалиевни чақиради. Аммо О.Бегалиев алоқага чиқмагач тепловоз машинисти Ш.Абдуллаев қидириш мақсадида тепловоздан тушади ва 6-йўлдан М-1 маневр светофорига қадар темир йўл излари орасида юриб бош кондуктор О.Қ.Бегалиевни вагон босиб ўтиб кетган ҳолда юз тубан ҳаракатсиз жонсиз ҳолатда топади. Машинист Ш.Абдуллаев бу ҳолат юзасидан дарҳол станция навбатчисига хабар беради.</p>
19	Ўлим-4	<p>2024 йил 15 октябрь куни Қарши электр таъминоти дистанциясига қарашли Оқрабат контакт тармоғи бўлими, электр хавфсизлиги бўйича 5-малакавий гуруҳ электромеханиги Муртазаев Шавкат (1991 й 14 сентябрда туғилган маълумоти ўрта оилали икки нафар фарзанди бор тахминан соат 13-15 лар атрофида Энергодиспетчернинг 734-сонли буйруғи билан иш бошлаган Тошғузор бекати 57-58 К/Т устунда йўналтирилган кучланиш (наведённое напряжение) ток тасирига тушиши оқибатида тан жарохатини олган ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб Ғузур туман тез тиббий ёрдамига олиб борилган. У ерда биринчи кўрсатилишига қарамай шифокорлар хулосасига кўра Ш. Муртазаевга, ўлим ҳолати қайд этилган.</p>

20	Оғир-13	<p>2024 йил 13 ноябрь куни Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Расулев Жамшид Юнусович (1982-йил 22-ноябр Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган, маълумоти олий, оилали икки нафар фарзанди бор, темир йўлдаги умумий иш стажи (18-йил), НОКСда 2013-йилдан ишлаган) билан оқибати оғир бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Тахминан тунги соат 22:30 лар атрофида Бухоро-Ургенч-Хива электрлаштирилаётган участкада қурилиш ишларини ташкиллаштириш учун борган Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Ж.Расулев бошқарувида бўлган давлат рақами 01 086 КГА ласетти (жентра) русумли хизмат машинасида Ургенч шаҳари, Хонқа кўчасида давлат рақами 90 0 828 ВА коболт русумли шахсий автомашина билан тўқнашуви оқибатида юз берган автоҳалокатда Ж.Расулев кўп тан жароҳати олган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги RSHTYOIM Хоразм филиали Травм пости шифокори С.А.Рахимов томонидан берилган 2461-сонли маълумотномада Ж.Расулевнинг бош мия чайқалиши, пешона бурун соҳаларини йиртилиши, сон суяги, бўйиндан ёпиқ синиш, III,IV, V, VI, VII қовурғаларида синиш ташҳиси берилган. Ҳозирда Ургенч шаҳар Республика шошилинич тез ёрдам илмий маркази Хоразм филиалида даволанмоқда. Воқеа тавфсилотлари ваколатли органлар томонидан ўрганилмоқда.</p>
21	Оғир-14	<p>2024 йил 16 декабр куни "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Марказий поликлиникаси уқаловчиси Алимова Дурдона Асқаровна (1979 йил 19 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти ўрта-махсус, оилали 3 нафар фарзанди бор, темир йўлдаги иш стажи 2013 йилдан) билан оқибати оғир бўлган бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Воқеа тафсилотлари 2024 йил 16 декабрь куни тахминан соат 09-30 лар атрофида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Марказий поликлиникаси уқаловчиси Д.А.Алимова поликлиника ховлисида музда сирпаниб кетиб йиқилган. Унга биринчи ёрдам кўрсатилган ва шифокорлар ҳулосасига асосан унда бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап тирсак бўғими лат ейиши ва гемартрози ташҳиси қўйилган.</p>
22	Ўлим-5	<p>2024 йил 26 декабр куни соат 23:00 ларда "Термиз локомотив депоси" филиалида шайловчи вазифасида ишловчи Ўткам Абдуллаевич Чоршанбиев (1987 йил 25 июнь куни Сурхондарё вилояти, Музработ туманида туғилган, оилали, 2 нафар фарзанди бор) ТО-2 цехига кириш олдида (ходовой путь) турган 2ТЭ10М русумли 2716 рақамли тепловозининг ТОМ қисмига номаълум сабабларга кўра 3-8 "Электрлаштирилган темир йўл участкаларида электр</p>

		хавфсизлик қоидалари"нинг 2 бўлими 2.1 бандини қўпол равишда бузган холда чиққан ва юқори кучланишли ток таъсирига тушган, натижада вақеа жойида вафот этган.
--	--	---